



Косим-султон билан тўқнашув

Г.А. Камбарбековага кўра, тарихчи Исмоил Хусайний Мараший Табризий ўзининг “Тарихи Сафавий” (Сафавийлар уругининг тарихи) кўлёмаларида хабар беришича, Эрон шохидан Хуросонни тортиб олиш максасида Шайбонийхон онаси тарафидан кариндоши бўлган козок султони Косимга мурожаат килиб, иттифок тузишни таклиф этади ва харбий жихатдан ёрдам кўрсатишини сўрайди. Манашу максасини кўрсатиб Косим султонга Шайбонийхон “ариза” шикоят-хати ёзади.

Бирок, кейинчалик, кариндошлар ўртасидаги, яъни – Косим султон ва Мухаммад Шайбонийхон ўртасидаги дўстлик якунига етади. Бунда форс дипломатиясининг ўзига хос таъсири бўлиб, шайбонийларнинг Дашти кипчокдаги хонлик тахтига даъвогарлиги ўзаро карама-каршилиқнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Мухаммад Шайбонийхон козок хонлигининг мустахкамланишига имкон кадар тўскинлик килиб келади ва шу максадда Сирдарёда козок хонларининг куч-кудратини ошиб кетишига каршилиқ кўрсатиб келади. Бундан ташкари, Мавароуннахр билан савдо алоқаларини бутунлай тўхтатишга ҳаракат килиб, Туркистон аҳолисини козок савдогарлари билан савдо-сотик килмаслик тўғрисида фармон чикарди.

Шайбонийхонинг амалда козоклар билан савдо-сотикни такиклаши- иктисодий блокадаси, ҳамда харбий чоралар, козок хонлиги томонидан мос равишда амалий жавоблар берилишини келтириб чикаради. Сирдарё бўйидаги шаҳарлар учун кураш, узок давом этган урушга олиб келади. Султон Косимхон Сирдарё бўйидаги шаҳарларда ўзининг ҳокимияти учун иктисодий ва харбий таянчни кўрар ва шайбонийларни Туркистон ва Тошкентнинг чегара ҳудудлари доимий равишда ташвишга солиб келар эди.

1510 йил кишидаги Косимхон султоннинг Туркистонга бостириб келишига жавобан, Шайбонийхон Улутау тоғ ён бағрида жойлашган Косимхон улусига карши юришни амалга

оширади. Бу юриш мувоффакиятсизликка учрайди ва унинг буткул маглубияти билан тугайди ҳамда кейинчалик унинг ҳокимияти кучсизланиши ва куйи Марвда унинг ўлими билан якун топади.

Бирок, сунний мазҳабдаги Шайбонийлар, шиа мазҳабидаги сафавий Шох Исмоилдан маглубиятга учраганида, Косимхон билан кондошлик алоқалари ўзини кўрсатади ва Косимхоннинг ўгли Абулхайр ўз кўшинлари билан эронийларга қарши жанг қилиш учун 1511 йилда Шайбонийларга келиб қўшилади. Абулхайр сафавийлар шохига шундай мазмунда хат ёзади: “Даштнинг подшохи, Косимхоннинг ўгли- буюк тарбия соҳиби келганлиги Шох Исмоил Баҳодирхонга маълум бўлсин. Сиз ўзларингиз ҳукумронлик қилаётган ҳудуд чегараларидан чиқиб, мардларча ўзингизни намоёйиш этдингиз. Хон мени сизларни қўлга олишим учун жўнатди, лекин мен жасур кишиларни ҳурмат қиламан ва отма сизларнинг оёғингизни осмондан қилиб осиб қўйишини истайман. Сизлар ҳам ўз ҳаётингизни кадрлайсизлар, шунинг учун ҳам бу ерларни бўшатиб қўйинг ва ўзбек хонларига уни топширинг, ўзларингиз эса Эронга қайтиб кетинг, акс ҳолда бошингизга ерни ва бутун оламни ташлаб юбораман. Ёшлигингга раҳм қилгин ва маъносиз қурбонлик беришдан қайт. Бу менинг маслаҳатим ва сен эса нимани истасанг, шуни қилавер». Бирок сафавийлар галаба қозонади, Абулхайр эса ўлдирилади.

Хаётининг охири йиллари

Шайбонийхоннинг сўнги йиллари осон бўлмаган. 1509 йилнинг баҳорида онаси вафот этади. Онасини Самарқандда дафн этганидан сўнг, у Қаршига йўл олади ва ўз яқинлари билан мажлис ўтказади ва уларни ўз улусларига тарқалишига изн беради. Қариндоши Убайдулла Бухорога жўнаб кетади, Мухаммад Темур-Самарқандга, Ҳамза султон-Хисорга ва бошқалар. Шайбонийхоннинг ўзи эса унча катта бўлмаган қўшин билан Марвга йўл олади.

В.Бартольднинг фикрича, Шайбонийнинг дипломатик ва ҳарбий қобилиятларига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, бироқ унинг фаолияти натижаларини мустаҳкамлай олмади. Умрининг охири йилларида мувоффакиятсиз юришлари натижасида ўзининг қариндошлари, ўгли Маҳмудни, Убайдуллахонни ва ўзининг амакиси бўлмиш Кўчқинчхонни ҳақорат қилади. Яссавия тариқати муҳлиси сифатида Мовароуннаҳр аҳолиси ўртасида катта ҳурматга эга бўлган, бироқ темурийлар тақдири билан ўз тақдирларини боғлаб келган Накшбандия етакчиларини Шайбонийхон таъқиб қилинишига йўл қўйиб беради. Тариқат етакчиси Мухаммад-Яҳё бунинг учун ўз ҳаёти билан қурбонлик беради.

Вафоти

Сафавийлар сулоласидан бўлган Эрон Шохи Исмоил I Шайбонийхон эришаётган мувоффакиятлардан безовта бўлган эди. Сиёсий манфаатлардан ташкари, Исмоил Шох томонидан давлат мафкураси сифатида ўзининг шиалик мазхабини эълон қилган унинг диний қарашлари ҳам, аксинча Шайбонийхон томонидан ҳимояланиб келинаётган, Мавороунахр аҳолисининг кўпчилиги томонидан эътикод қилинадиган сунний мазҳаб билан ўзаро қарама-қаршиликка дуч келади.

1510 йилда Шайбонийхон Хиротда эди. Шу пайтда Исмоил I Хуросон гарбига бостириб қиради ва шиддат билан Хирот тарафга қараб ҳаракат қилади. Шайбонийхоннинг кўл остида қеракли микдордаги ҳарбий кўшин бўлмайди, асосий ҳарбий қисмлар Мавороунахрда турган бўлади, шунинг учун у ўз амирлари билан маслаҳатлашиб Марв деворлари ортига яширинашига мажбур бўлади. Сафавийлар кўшини Астробод, Машҳад ҳамда Серахни кўлга қиритадилар. Хуросондаги барча ўзбек амирлари, шу жумладан Жон Вафо ҳам, сафавий-қизилбошлилардан қочишади ва Марвга етиб келишади. Шайбонийхон Убайдуллахон ва Мухаммад Темур –султонга чопар жўнатиб ёрдам сўрайди. Бу пайтда эса шох Исмоил Марвни қуршаб олади ва бир қанча муддат қамалда ушлаб туради, аммо шаҳарни эгаллай олмади, бироқ хонни шаҳардан чиқишга мажбур қилиш учун, ҳийла ишлатиб чекингандай ўзини кўрсатади.

Манбаларга кўра, ўша пайтдаги ўзбеклар жамиятида қатта таъсирга эга бўлган Шайбонийхоннинг хотинларидан бири, Ойиша-Султон хоним бўлиб, кўпчилик орасида Мўғулхоним номи билан машҳур бўлган. Манбаларда қайд этилишча, хон қенгашида ўзларини чекингандай кўрсатган Исмоил Шохнинг қизилбошли кўшинларига қарши жанг қилиш учун, Марвдан чиқиш ёки қикмаслимқ масаласи кўрилаятган эди. Ўзбек амирлари Мавороунахрдан ёрдамчи қучлар етиб қелгунга қадар, икки ёки уч қун қутишни тақлиф этиб туришган бўлади.

Бироқ бу ҳарбий мажлисда иштирок этаётган Шайбонийхоннинг суюқли хотини-Мўғулхоним, хонга қарата шундай мурожаат қилади: “Сен ўзбек бўла туриб, қизилбошидан кўрқаяпсанми! Агар сизлар кўрқаятган бўлсангизлар, мен ўзим кўшинларни оламан ва уларни ортидан қораман. Қозир айни қалласи, бундай қурсат бошқа бўлмайди” дейди. Мўғулхонимнинг бу сўзларидан кейин барча уялгандай бўлишади ҳамда ўзбеклар кўшини жанга қиришиб, мағлубиятга учрашади ва Шайбонийхоннинг ўлими билан қуқуланайди.

Мухаммад Шайбонийхон ўзларига қелаятган 30 минглик ёрдам қучларини қутмасдан, 5 минглик кўшини билан шаҳардан қикиб, Шохни ортидан тақиб қитлмоқчи бўлади ва қистирмага тушиб қолайди. 1510 йил декабирида (бошқа маълумотларга кўра 1510 йил 29 ноябрда) Марв атрофидаги жангда Шайбонийхон кўшинлари, 17 минглик Исмоил Шох кўшинлари томонидан қуршаб олинайди ва қаттиқ қаршилик кўрсатишларига қарамай Шайбонийхон кўшини мағлуб этилайди.

Тарихий тадқиқотларга кўра жангда кўпқаб ўзбек қодогонлари вақиллари ва Шайбонийхоннинг ўзи ҳам асирга тушади. Эрон Шох Исмоил биринчи Шайбонийхоннинг танасини билан шафқатсизларча муносабатда бўлади. Унинг бошни танасидан қудо қилгач, қалла қаногидан шароб ичадиган қумуш идиш ясатади, бошқа маълумотларга кўра, гардишига тилло қуритилган, қадах идиш ясатиб, ундан турли базмларда бажонидилик билан қойдаланиб қелайди.

Шайбонийхоннинг бошсиз танаси ўз давлатининг қойтахтига- Самарқандга дафн қилинайди. Бу ҳақиқат XIX асрнинг 80-йилларида, Самарқанддаги Шайбонихон мақбарасининг очилиши амалга оширилганда тақдиқланайди. Шайбонийхоннинг

скелетида бош кисми йўклиги маълум бўлади. Хозирги вақтда Шайбонийхоннинг макбарасига ўрнатилган кабртош Санкт-Петербургдаги Эрмитажда сақланади. Унинг макбараси 1870-йилларда вайрон қилинган. Шайбонийхон макбарасидан қолган бор нарса- бу Самарқанддаги Регистон майдонидаги мармар бир дахмо.

Хотира

Шайбонийхоннинг шеърӣ тўплами (девони) Туркияда чоп этилган.

Шайбонийхон ҳақидаги халқ оғзаки ижоди фольклори, 1920-йилларда Пўлкон шоир сўзларидан ёзиб олинади.

Ўзбекистонда 1961 ва 1989 йилларда Мухаммад Солиҳ (1455—1534)нинг «Шайбонийнома» асари ўзбек тилида нашр этилган.

1967 йилда Ўзбекистонда «Таворӣх-и гусидаӣ нусратнома» факсимиль қўлёзмалари чоп этилади.

Шайбонийхон ижодининг адабиёт ва фалсафа асарлари бўйича Туркияда бир неча докторлик диссертацияси ёзилган.

Шайбонийхоннинг ижоди билан биринчилардан бўлиб буюк шарқшунос Закий Валидий Тўгон шугулланиб, ўрганиб чиққан.

1996 йилда ўзбек тадқиқотчилари А. Мўминов, Б. Бобожонов ва немис шарқшунос Ю.Пауль Самарқанддаги шайбонийлар кабртошларидаги ёзувларни нашр этишди.

Шайбонийхон фарзандлари ва унинг ворислари

Шайбонийхоннинг ўлиmidан сўнг, унинг ягона ўғли Мухаммад Темур (1514 йилда вафот этган) қолади. У кейинчалик Самарқандда отаси, амакиси ва бувиси олдиға дафн қилинади. Унинг рафикаси Меҳр Султонхоним илм-фан, саънатға хомийлиги бўйича машҳур бўлган. Мухаммад Темур султоннинг бир нафар ўғли- Пўлат султон бўлган. Пулат султонда ҳам бир нафар ўғли- Қўқбўри султон бўлган ва ундан сўнг зурриёт қолмаган. Бобурнинг опаи Ханзодабегимдан, Шайбонийхоннинг бир ўғли Хуррамшоҳ бўлган, лекин у отасининг вафотидан бир муддат кейин вафот этади.

Тарих фанлари доктори Р.Раҳманалиевға кўра, «Шайбонийхон Самарқандни қамал қилган пайтда, «ўз ҳаётининг тўлови» учун Бобурхонға ўз опаи, малика Ханзодабегимни бериб юборади ва кейинчалик у Шайбонийхон ҳарамига тушиб қолади ва Шайбонийхонға Хуррамшоҳ султонни тугиб беради. Кейинчалик Хуррамшоҳ султонға отаси тарафидан Балх вилояти берилади. Шундай бўлсада, Шайбонийхон ҳар сафар ушбу қанизағига ишонч билдирмай қолади ва бир қанча вақт ўтгач унға талогини беради. Бунинг натижасида Ханзодабегим Исмоил шох саройига тушиб қолиб, у ерда унға бетакрор ҳурмат қўрсатилинади. Ўғли Хуррамшоҳ султонға қелсак, у Шайбонийхон ўлимдан кейин

бир ёки икки йил ўтиб вафот этади.»

Шайбонийхон, Бобурнинг она тарафидан бўлган холаси Меҳр Нигорхонимга ҳам уйланади.

Шайбонийхоннинг учинчи ўгли ҳам бўлиб, у Суюнч Мухаммад султон эди. Суюнч Мухаммад-султоннинг битта ўгли Мухаммадёр султон бўлган. Шу фарзанди билан унинг зурриёти узилади.

1510 йилда Шайбонийхоннинг ўлиmidан сўнг, унинг амакиси Суюнчхўжахон Хон этиб сайланади. 1511 йилнинг баҳорида унинг бошка амакиси Кўчкинчихон Хон (1511-1530) этиб сайланади. У Абулхайр хоннинг (1428-1468) ва Мирзо Улугбекнинг кизи (1409-1449), Робия султон бегим (1485 йилда вафот этган, Туркистон шаҳрида дафн этилган)нинг ўртасидаги тугилган ўгли бўлган.

Шайбоний вафотидан кейин Хуросон ва Мавороуннахрдаги кучлар Исмоил биринчи ва Бобурнинг кўлига ўтади. Факатгина Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахонинг қобилятлари туфайли Шайбонийлар хонадонинг ҳукмронлиги 1512 йилда қайта тикланган. Убайдуллахон аҳоли симпатиясини қозонишга муваффақ бўлади, у Сафавийларни мағлубиятга учратиб, Эрондан мустақил бўлади. Бу галаба туфайли аҳоли сунний мазхабидаги эътиқодини сақлаб қолади. Кўчкинчихон ҳукмронлиги даврида Самарканд Шайбонийлар давлатининг пойтахти бўлиб қолган эди.

[Манба](#)